тадқиқотлар институти

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 25-mart • Shanba • 36 (27.528) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ташаббус — 2006»

# ФЕРМЕР, ТАДБИРКОР ВА ҲУНАРМАНД

## ХАЛҚИМИЗ СУЯНЧИ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ



*Суратда:* *кўрик-танловнинг биринчи ўрин совриндорлари* **Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат**

**23-24 март кунлари пойтахтимизнинг «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти совриниучун «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг якуний — республика босқичи кўргазмаси ва сўнгра муҳташам «Туркистон» саройида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда туман, шаҳар ва вилоят босқичлари ғолибларидан 50 га яқин кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари «Энг яхши фермер», «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши ҳунарманд» номинациялари бўйича ўз ютуқларини намойиш этдилар.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқимизнинг тадбиркорлик бобида ташаббускорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида 1996 йилдан буён ўтказилаётган мазкур тадбир эндиликда йилнинг энг оммавий ва энг яхши анъаналаридан бири бўлиб қолди. Ўтган 10 йил ичида 100 мингдан зиёд фермер хўжаликлари, тадбиркорлар ва ҳунармандлар танлов иштирокчилари бўлишди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунлари ва 2006 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Мажлиси (10 февраль)да таъкидлаганидек, 2005 йилда **«хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди».**

### ДАЛИЛ ВА ТАҲЛИЛ:

- *Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари 31,5 минтага кўпайди ва уларнинг сони 310 мингтага ортди.*
- *Ҳозир кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялпи ички маҳсулотлар ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда.*
- *Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи эндиликда айни шу соҳаларда меҳнат қилмоқда.*
- *Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келаяпти.*
- *Бугун фермер хўжаликларида 1 миллиондан зиёд киши банд бўлиб, ўтган йили пахта хомашёсининг – 66, ғалланинг – 55 фоизидан ортиқроғи улар томонидан етиштирилди.*

Рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — нафақат иқтисодиётнинг ўсиш субъектларини жадал ривожлантиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Бунга шубҳасиз, кўп жиҳатдан соҳада ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланганлиги, иқтисодиётнинг ушбу сектори учун барқарор тизимнинг шаклланганлиги туфайли эришилмоқда. Қолаверса, куни кеча матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори ҳам бу борада қўйилган яна бир ўта муҳим қадам бўлди.

23 март куни кўрик-танловнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Н.Қосимов, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси ўринбосари А.Абдурашидов, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобилов ҳамда бошқалар ҳукуматимиз хусусий тармоқни ривожлантиришга бениҳоя катта эътибор қаратаётганлигини ва бу эътибор, бу ғамхўрлик эндиликда ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

... Кўргазма павильонлари икки кун давомида ҳамюртларимиз ва меҳмонлар билан гавжум бўлиб, улар фермер хўжаликларида бугунги кунда етиштирилаётган турфа маҳсулотлар, кичик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган эҳтиёжталаб товарлар, ҳунармандчилик цехларида яратилаётган ранго-ранг буюмлар, жиҳозлар билан танишдилар...

Кеча кечқурун «Туркистон» саройида танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

2-бет

# ДЎСТЛИК, ШЕРИКЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТ МУНОСАБАТЛАРИ



**28 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи бошланади. Икки давлат муносабатлари тарихидаги ушбу муҳим воқеа арафасида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнг «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоб берди.**

**— Жаноб элчи, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик даражасини қандай баҳолайсиз?**

— Даставвал, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик VII асрда бошланганини таъкидлаш лозим. Айнан шу даврда Кореянинг қадимги Когурё қироллиги ўз элчисини Сўғд давлатига ўзаро дипломатик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузиш мақсадида юборган. Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан бошлаб эса ўзаро ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, сармоя жойлаштириш, маданият ва консуллик муносабатлари соҳаларида изчил ривожланмоқда. Бунга далил сифатида Ўзбекистон иқтисодиётидаги Корея сармоялари умумий ҳажми 1 млрд. АҚШ долларидан зиёд маблағни ташкил этганини айтиш мумкин. Бу эса бизга республикангизнинг биринчи даражали сармоядорлари мақомини берди. Шу ўринда «ЎзДЭУ авто», «Ўзбек Кабул Со.», «Шиндонг» ва бошқа кўплаб компанияларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, биз Ўзбекистондаги ахборот технологиялари ва транспорт коммуникациялари бозорини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик.

Корея Ўзбекистонга EDCF (Иқтисодий ривожлантириш ҳамкорлиги жамғармаси) дастури доирасида 77 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди ва айни пайтда 30 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни республика таълим муассасаларини жиҳозлаш лойиҳаси доирасида ажратишни режалаштирмоқда. Шу билан бирга KOICA агентлиги, Хорижий таълим маркази, Кореянинг бошқа таълим муассасалари ўзбек талаба ва мутахассисларига Корея Республикасида ўтказилаётган семинар ва таълим дастурларида иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Ҳозир Ўзбекистоннинг 16 мингга яқин фуқароси Кореянинг технологик ривожланиш ва тадбиркорлик соҳаларидаги тажрибасини ўрганмоқдалар.

Шу кунларда Ўзбекистонда 138 қўшма корхона ва 37 Корея компаниялари ваколатхоналари мавжуд. Икки мамлакат ўртасида рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мисол учун, Корея товарлари маиший электрон жиҳозлар ишлаб чиқариш бозорида маҳсулот умумий ҳажмининг 80%ни ташкил этади.

Сўнгги пайтларда икки томонлама савдо кўламининг барқарор ўсиши кузатилаётганини таъкидлашни истардим. Масалан, 2002 йилда у 280 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йили 14 %га ошиб 326 млн. долларга етди, 2004 йилда эса 34 %га ўсди ва унинг миқдори 437 млн. долларни ташкил этди. Ўтган 2005 йилда 520 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот айирбошлашга эришдик.

**— Сизнинг фикрингизча, ҳамкорликнинг қайси йўналишлари янада муҳимроқ ва истиқболлироқ ҳисобланади?**

— Сўнгги йилларда Корея Республикаси ҳукумати заҳиралар ва энергетика дипломатиясига алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистоннинг уран, олтин, кумуш, нефть, газ ва бошқа табиий заҳираларини эътиборга олган ҳолда, биз энергетика соҳасини икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналиши деб ҳисоблаймиз. Жанубий Корея технологияси ва молиявий салоҳиятини Ўзбекистоннинг табиий заҳираси ва ишчи кучлари билан уйғунлаштирса икки томонлама ҳамкорликнинг барқарор тараққиётига ва унинг янги сифатли даражасига ўтишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз савдо ва сармоялар жойлаштириш соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча имкониятларни сафарбар қилмоқда. Давлатларимиз саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали Шимолий-Шарқий Осиё, Россия ва Европа ўртасида кўприк вазифасини ўтайди, бу эса иқтисодиётимизга ижобий таъсир этиш баробарида бутун дунё иқтисодиёти ривожига ҳам сезиларли ҳиссасини қўшади.

Корея Республикаси нафақат автомобилсозлик ва тўқимачилик саноатида икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада кенгайтириш, балки замонавий ишлаб чиқариш ва ахборот технологияларини татбиқ этишга қатъий бел боғлаган.

**— Жанубий Корея томони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига ташрифидан нималарни кутмоқда, Сеулда бўлиб ўтадиган икки мамлакат раҳбарлари учрашуви чоғида қандай масалалар муҳокама қилинади?**

— 2005 йил майида Корея Республикаси Президенти Но Му Хён Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи билан келган. Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорликнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий, маданий, гуманитар соҳаларидаги ривожланишида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига бўлажак ташрифи стратегик шериклигимиз ва ҳар томонлама ҳамкорлигимизни узоқ йиллар давомида янада мустаҳкамлайди.

Икки мамлакат раҳбарлари учрашуви чоғида турли ўзаро манфаатли, хусусан, маданий алмашув соҳасидаги ҳамкорлик, аҳоли бандлиги, заҳиралар ва энергетикага оид масалалар юзасидан фикр алмашиш ва стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма ҳужжатни имзолаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон бизнес-доиралари вакилларининг кўп сонли ҳайъати Корея Республикасининг энг нуфузли ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган компания ва корпорациялари, хусусан «Hyndai group», LG, «Samsung», пўлат қуювчи POSCO концерни раҳбарлари билан учрашиш, фойдали ва истиқболли контрактлар тузиш ҳамда Жанубий Корея бизнеси вакиллари билан мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш имконига эга бўлади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига бўлажак ташрифи мавжуд дўстлик, шериклик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини жадаллик билан ривожлантиришга шароит яратиб, мамлакатларимизга икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очишга имкон яратади.

**«Жаҳон» АА**

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Киевда Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчиси Илҳом Ҳайдаров Украина Президенти Виктор Ющенкога ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида В.Ющенко И.Ҳайдаровга янги лавозимдаги ишларига муваффақиятлар тилади ҳамда Ўзбекистон ва Украина ҳамкорлиги барча йўналишларда ривож топишига ишонч билдирди.

**«Жаҳон» АА**

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

# МАҚСАД — ПИШИҚ, ПУХТА ЖИҲОЗЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЭРИШИШ

## 13-20 март кунлари «Ўзэкспомарказ»да корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан тайёрланган мактаб жиҳозлари кўргазмаси намойиш этилди

**Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар доирасида 2006 йилда режага киритилган 61 та янги, 383 та капитал реконструкция ва 531 та капитал таъмирланадиган умумтаълим мактабларини зарур восита ва жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида уларнинг аниқ турларини тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси ишлаб чиқилган эди. Кўргазмада қарор ижроси бўйича қилинаётган ишлар намойиш этилди.**

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг апрель-май ойларида пойтахтимизда юртимиз ва айрим чет эл корхоналарида ишлаб чиқарилган мактаб мебеллари, замонавий ўқув лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ҳамда спорт жиҳозлари кўргазмаси ташкил этилган эди. Унда буюртмачи ташкилотлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, қолаверса, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, кўргазмага қўйилган жиҳозларнинг қулайлиги, сифати, шу билан бирга айрим камчиликлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эдилар. Кўргазмадан кўзланган бош мақсад — қатнашчиларга мамлакатимизда биринчи марта маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган мактаб жиҳозлари, уларнинг бутловчи қисмлари, лабораториялар ҳамда спорт анжомларини намойиш этиш эди. Унга таълим тизимининг раҳбар-ходимлари, ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва оқсоқолларгача ташриф буюриб, улар ҳар бир бўлимга қўйилган таклиф-мулоҳазалар дафтарига ўз фикрларини ёзиб қолдиргандилар.

Айниқса, мазкур нуфузли кўргазмага Президентимиз ташриф буюриб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг сифати, дизайни ва қулайлигига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада ўзларининг қимматли таклифлари ва танқидий мулоҳазаларини билдирганликлари соҳадаги ишларни янада жонлантиришга, асосийси сифат босқичига эришишга сабаб бўлди. Ушбу ташрифдан сўнг орадан бир йил ўтиб «Ўзэкспомарказ»да яна мактаб жиҳозлари кўргазмасини ташкил этиш зарурати пайдо бўлди.

Хўш, бу кўргазманинг аввалгисидан фарқи нимада? Унинг ташкилотчилари кўргазмага қандай турдаги жиҳозларни тақдим этишди?

2-бет

Тадбир

# МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Юртбошимизнинг ўтган йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарорига биноан тасдиқланган «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш Концепцияси» талабларига мувофиқ ўтказилди.

Семинарда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси, турлари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари муҳокама қилинди. Унда Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари, юридик фанлари доктори Шуҳрат Файзиев, адлия вазири ўринбосари, юридик фанлари номзоди Хожи-Мурод Исоқовнинг маърузаси тингланди. Сўзга чиқувчилар қонунчилик мониторингини амалга ошириш доирасини аниқ белгилаш юзасидан турли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Тадбирда илмий ва амалий аҳамиятга эга тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатларининг мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва бошқа давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаш зарурияти тўғрисида таклиф илгари сурилди. Ҳуқуқшунос олимларга амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш таклиф этилди.

Мазкур институт директори Ф. Отахонов бошқарган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда юридик таълим муассасалари илмий ходимлари ва ОАВ вакиллари қатнашдилар.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ**

# ГУЛИСТОННИНГ ЯНГИ ВОКЗАЛИ



Гулистон шаҳрида қисқа муддатда жаҳон андазалари талабларига мос, миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган янги вокзал биноси барпо этилди. Вокзал ҳудудидаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Вокзалнинг очилишида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси О.Раматов, Гулистон шаҳар ҳокими И.Эрбеков ва бошқалар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Бунга темир йўл тизимини такомиллаштириш борасида эришилаётган ютуқларни мисол келтириш мумкин. Ўтган икки йил давомида юртимизда ўнга яқин замонавий темир йўл вокзали қуриб битказилди. Қумқўрғон, Тошгузар, Бойсун, Деҳқонобод вокзаллари шулар жумласидандир. Тошкент темир йўл вокзали ҳам мутлақо янгича қиёфа касб этди. Эндиликда Гулистон вокзали ҳам улар қаторига қўшилди.

Бу ердаги оналар ва болалар ҳамда ногиронлар учун ташкил этилган алоҳида хоналарда, тиббиёт пункти, ошхона ва кутиш залида йўловчилар учун барча шароит яратилди. Замонавий ёритгичлар, ҳудудда амалга оширилган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари янги вокзалга ўзгача чирой бағишлади. Перрон кенгайтирилиб, тўла қайта таъмирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Сирдарё вилояти ҳокими А.Жалолов иштирок этди.



**Алишер АБДУХОЛИҚОВ олган суратлар**

**Д.ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Суратларда:*** *Гулистон янги темир йўл вокзалининг ташқи ва ички кўриниши.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

**Мулоҳаза, мунозара, таклиф**

# МАҲОРАТ — БОШ МЕЗОН

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда журналистлар тайёрлашга алоҳида эътибор берила бошланди. Ҳозир журналистлар олдингидек бир жойда эмас, балки бир неча жойда тайёрланмоқда. Айниқса, халқаро журналистикага қизиқиш ортиб бормоқда. Кейинги йилларда мустақил мамлакатимизнинг журналистлари дунё сиёсати муаммолари ҳақида мустақил фикрлайдиган бўлишди. Шубҳасиз, бу жараёнда тобора чархланиб бориш журналистдан чуқур билим, юксак маҳорат, катта масъулият, ҳозиржавоблик, ҳаққонийлик, сиёсий ҳушёрлик талаб этади.

Журналист камолотида маҳорат бош мезон ҳисобланади. Битта жанрга ихтисослашган журналист эса кенг парвоз қилолмайди, берилган зарур топшириқларни кўнгилдагидек бажаролмайди. Унинг эркин фикрлаш қобилияти сайқалланмайди. Битта жанрда ва бир қолипда ижод қилиш журналист маҳоратини сўндиради.

Шубҳасиз, маҳоратни ҳар ким ҳар хил тушунади. Айтайлик, баъзи бировлар ўйлаганидек, кимнидир унинг шахсиятига тегиб боплаб танқид қилиш, кимнидир унинг ўзида йўқ хислатлар билан таърифлаб қаҳрамонга айлантириш ёки бўлмаса, ўзининг ҳақлигини бошқаларнинг ноҳақлиги орқали исботламоқчи бўлиш, умуман, табиийликка сохтакорликни, ҳақиқатга ноҳақликни қарши қўйиш маҳоратга кирмайди. Маҳорат билим ва тажриба, ёза билиш санъати ва ёзиш гашти, мақсад ва моҳият, ҳақиқат ва ҳозиржавоблик, қониқиш ва ҳузур қилиш йиғиндисидир. Журналист бир-иккита тилга тушган мақола ёзгани билан маҳорат мақомига эга бўлиб қолмайди. Бунинг учун кўп синовлардан ўтишга, ҳаёт тажрибасига эга бўлишга, тинимсиз кузатиш, ўрганиш ва ибрат олишга тўғри келади. Маҳорат ҳақиқат билан ниқобланган ҳар қандай манфаатнинг, сўзамоллик билан хаспўшланган нўноқликнинг, коса тагидаги нимкосада яширинган мақсаднинг қурбони бўлиб қолмаслиги керак.

Маълумки, ўзбек журналистикаси совет даврида рус журналистикаси таъсирида бўлди. Аграновский, Жуков, Зорин, Лацис, Боровик, Ивашченко, Бовин, Дунаев, Каверзнев, Маевский маҳоратлари биз учун ибрат қилиб кўрсатилди. Тўғриси, ўшанда уларнинг топқирликлари, таҳлиллари, танқидлари, тахминлари, ҳакамликлари, ҳис-ҳаяжонлари, ҳақиқатлари, хулосалари ва ҳозиржавобликларига ҳавас қилардик. Бироқ уларнинг маҳоратлари қандай мақсадларга хизмат қилишлигини билмасдик ёки билсак-да, масаланинг моҳиятига аҳамият бермасдик. Гап маҳорат ҳақида борар экан, унинг қандай мақсадларга хизмат қилишини англаш муҳим.

Маҳорат даҳолик билан муроса қилолмайди. Даҳолик эса нодонликка хос. Яъни, фақат нодонгина ўзини доно ҳисоблайди. Агар журналист ўз ҳақиқатини ҳамма нарсадан устун қўйса, ундан яхшилик кутманг. Агар журналист ўз маҳоратини бировдан ўч олишга ёки бировнинг ғаразли мақсад кўзланган буюртмасини бажаришга сарфласа, ундан ҳазар қилинг. Агар журналист фақат танқидбозлик билан обрў орттирмоқчи бўлса, ундан эҳтиёт бўлинг.

Ҳозир айрим журналистларимиз бутун диққат-эътиборни тижорат мақолалари ёзишга, тижорат кўрсатувлари ва эшиттиришлар тайёрлашга қаратгани бир пайтда одамлар орасида «журналистни ҳам сотиб олиш мумкин» деган гап тарқалиб кетмаслиги керак. Тижорат қонуний йўл билан расмийлаштирилса — яхши, аммо қинғир йўллар ҳам газак олиб кетяпти. Томонлар ўзаро «тил топишса» бўлди... Ижодда ҳам, ҳаётда ҳам тўғри ва ҳалол бўлсаккина ҳар қандай исноддан йироқ бўламиз.

Сир эмас, бугунги кунда айрим оммавий ахборот воситаларида турли жанрларда маҳорат билан ёзадиган тажрибали журналистлар эмас, балки ўзининг сўзамоллиги ва уддабуронлиги билан турли ташкилотлардан пул ундира оладиган журналистлар кўпроқ қадрланадиган бўлиб қолди. Бу охир-оқибатда журналист маҳоратини сўндиради, уни манфаат йўлида маддоҳга айлантиради. Ҳатто бир журналист борган жойга кетидан бошқаси бориш ҳоллари учраяпти.

Ҳаётда сабр-қанотли бўлиш яхши, албатта. Барака ҳалолликда. Журналистлар ҳам тамасиз яшай оладилар. Уларнинг тижорат билан шуғулланаётган уддабуронлари яхши даромад қилишлари мумкин, бироқ тижорат қўлидан келмайдиганлари-чи дерсиз. Шубҳасиз, бунда маҳоратни эътиборга олиш зарур. Агар оммавий ахборот воситалари ўз ижодий ҳамда иқтисодий имкониятларини ўрганиб чиқиб, зарур бўлса муассислар ҳамда ҳомийлар томонидан тегишли ёрдам олиб, журналистлар меҳнатига уларнинг тажриба ва маҳоратлари инобатга олинган ҳолда ҳақ тўлашнинг табақалашган тизими жорий этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Хориждаги аксарият давлатларда шундай: журналистнинг меҳнати унинг маҳоратига қараб рағбатлантирилади. Масалан, Россияда Владимир Познер маҳорати жиҳатидан бирга ишлайдиган ҳамкасбларига нисбатан бир неча баравар кўп ҳақ олишлигидан хабарим бор. Журналистнинг маҳорат мезонини эса ҳозир анъанага айланиб қолган ва турли даражадаги раҳбар ходимлардан ҳамда таниқли одамлардан иборат жамоатчилик кенгаши ёки тор доирадаги таҳрир ҳайъати эмас, балки тажрибали журналистлар ҳамда мутахассислардан иборат махсус малака комиссияси ёки ҳайъат белгилаши керак.

Маҳорати қадрланган журналистдан кўп нарса кутиш мумкин. У тамагирлик билан мақола ёзмайди, буюртма бўйича бировни танқид қилмайди ёки мақтамайди, совға-салом олиш ниятида ялтоқланмайди, меҳмондорчилик, кечирасиз, битта тушлик учун виждонини сотмайди. У нимадир илинжида иллати бор лўттибозни, сансалор ва қонунбузар мансабдорни, ўғри ва порахўр муттаҳамни, локайд ва фаолиятсиз амалдорни «ёзаман», «кўрсатаман», «фош қиламан» деб қўрқитиб, довдиратиб, югуртириб ўтирмасдан журъат ва дадиллик билан ёзаверади, фош қилаверади. Ана шунда нўноқ раҳбарлар, тамагир бюрократлар, уқувсиз «мутахассис»лар, шуҳратпараст пулдорлар реклама-тижорат баҳонасида оммавий ахборот воситаларида ҳадеб ўзларини тарғиб ва ташвиқ қилавермайдилар. Маҳорат қадр топса, журналистика ривож, журналист эса камол топади. Гап журналистларимиз маҳорати ҳақида борар экан, газеталаримиздаги жанр қашшоқлигини айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Аксарият газеталарда асосан хабар, ҳисобот, корреспонденция, мақола, суҳбат ҳукмрон. Хабар ҳозиржавоб жанр, унинг кўп бўлгани яхши. Бироқ хабар ва ҳисоботлар асосан фалончи маъруза қилди, фалончи-фалончилар сўзга чиқди, қабилида бир қолипда ёзиляпти. Маърузада баён қилинган қоида ва хулосаларга муносабат, муҳим масалаларга эътибор йўқ, сўзга чиққанларнинг фикрлари умумлаштирилмайди. Йиғилиш ёки бошқа бирорта анжумандан фақат ҳисобот эмас, репортаж ҳам ёзиш мумкин. Шунда унга анжумандаги руҳ киради, ўқиганда таъсирланасиз ва нимадир оласиз.

Агар хабарга бироз шарҳ берилса, у корреспонденцияга айланади. Чет эл матбуотида бу жанр жуда кенг қўлланилади. Баъзи ҳолларда бизнинг журналистларимиз қисқа шарҳ бериш ўрнига рақамлардан иборат статистик ҳисоботни тиркаб қўя қолишади. Газетхон эътиборига фикр баён қилинган шарҳ ўрнига рақамлар ҳавола этилади. Таҳлил, фикр-мулоҳаза ва хулоса ҳаминқадар. Баъзан айнан статистик ҳисоботга ўхшаган маълумотноманинг тагига имзо қўйилиб, мақола ўрнида бериляпти.

Бугун фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳалол, ватанпарвар қаҳрамонларимиз меҳнатини биргина фоизлару сўмларда, тонналару гектарларда эмас, балки инсоннинг ички дунёсини, унинг ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовор инсонийлик хислатларини, ўй-фикрларини, дунёқарашини ва ҳаёт ҳақидаги тушунчасини бадиий-публицистик тасвирларда очиб беришга кўпроқ эътибор бериш керак деб ўйлайман. Шундай экан, маҳорат мезонларидан чекинмайлик. Ижодда бир хилликдан, нусха кўчиришдан, жанр қашшоқлигидан воз кечсак, ўйлайманки, нашрларимиз ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаради. Журналистлар ўртасида маҳорат борасида мунозаралар уюштириб туриш эса маҳоратимизни оширишга хизмат қилади.

**Иброҳим НОРМАТОВ**

# XORIJDA

**✓ ФРАНЦИЯ**



Францияда иш берувчи билан ишчи муносабатларини мувофиқлаштирувчи янги қонунга қарши намойишлар давом этмоқда. Кеча намойиш қатнашчиларининг 400 нафардан ортиғи ҳибсга олинди.

Куч ишлатилишига олиб келган норозилик намойишлари мамлакатнинг кўплаб шаҳарларида, шу жумладан, Парижда ҳам бўлиб, уларда 220 мингдан ортиқроқ одам қатнашган. Намойишлар ташкилотчилари кўчаларга 450 мингга яқин одам чиққанини билдиришмоқда.

Франция бош вазири Доминик де Вильпен янги қонун лойиҳасига тиш-тирноғи билан қарши бўлган касаба уюшмалари вакиллари билан учрашмоқчи.

Ҳукумат раҳбари касаба уюшмалари талабини бажармоқчи эмаслигини, бироқ уларни тинглаб қонунга ўзгартириш киритиши мумкинлигини билдирди.

Президент Жак Ширак бош вазирни бу масалада халққа ён босишни маслаҳат берди. Чунки бу зиддиятнинг салбий оқибатлари де Вильпеннинг Франция президентлигига сайланишида панд бериши мумкин экан.

28 март куни мамлакатда умуммиллий намойишлар ўтказилиши режалаштирилган.

Касаба уюшмалари ва талабалар норозилигига сабаб бўлган янги қонун лойиҳаси иш берувчиларга 26 ёшга етмаган шахсларни икки йил синов муддати давомида сабабсиз ишдан бўшатиб юбориш ҳуқуқини беради.

**✓ ИСПАНИЯ**




Баскларнинг «ЭТА» гуруҳи томонидан эълон қилинган муддатсиз ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги баёноти пайшанбадан жума кунига ўтар кечаси расман кучга кирди.

Бундан олдин ҳам баск сепаратчилари тинчлик сулҳини тузиб яна қўлига қурол олган. Бу сафар «ЭТА» гуруҳи Франция ва Испанияни музокараларда иштирок этишга чақирди.

Гуруҳ ўтган асрнинг 50-йилларидан буён Басклар мамлакати мустақиллиги учун курашмоқда. Басклар асосан Испания шимоли ва Франция жануби-ғарбида яшайди.

«ЭТА» гуруҳи 1973 йилда ўлдирилган Испания бош вазири Луис Карреро Бланко ўлими учун жавобгарликни ўз бўйнига олди.

Амалдаги бош вазир Хосе Луис Родригес Сапатеро эса Европа Иттифоқи ва АҚШда террорчилик ташкилоти деб тан олинган сепаратчилар гуруҳининг бундай баёнотига фикр билдирганича йўқ.

Бундан бироз олдин Испания ҳукумати «ЭТА» тамоман зўравонликдан юз ўгиргандагина музокаралар ҳақида ўйлаб кўриши мумкинлигини билдирганди.

**✓ ҲИНДИСТОН**



Ҳукумат тепасидаги Ҳиндистон миллий конгресси етакчиси Соня Ганди депутатлик ваколатларидан воз кечишини маълум қилди.

Ганди парламентдан ташқари давлат ташкилотида ҳам ишлаётганлиги ҳақидаги айбловлар пайдо бўлганидан кейин бундай қарорга келди.

2004 йилда парламент сайловларида ғалаба қозонган партия етакчиси бўлган Соня Ганди Миллий маслаҳат кенгашидан ҳам кетишини билдирди.

Ҳиндистон конституциясига кўра, парламент аъзолари бошқа ташкилотларда ойлик маош олишга ҳуқуқлари йўқ.

Кузатувчилар фикрича, Соня Ганди истеъфо бериб, ўз партияси ва ҳукуматни жиддий инқироздан асраб қолди.

**✓ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ**

Жанубий Корея президенти мамлакат бош вазири лавозимига Хан Мьен Сук хоним номзодини кўрсатди. Хан Мьен Сукнинг номзоди парламент томонидан тасдиқлангудек бўлса, у Жанубий Кореянинг биринчи аёл бош вазири бўлади. Аввалги бош вазир эса жанжал туфайли ишдан кетган. Яъни темирйўлчилар намойишлар ўтказаётган бир пайтда бош вазир гольф ўйнаш билан банд бўлгани аниқлангач, жанжал бошланган.



Истанбул шаҳри марказидаги «Истиқлол» кўчаси

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБ — БАРҚАРОР ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

## ДЕЙИШМОҚДА АТ «ТУРОН» БАНКИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти бевосита банк тизимининг ривожига боғлиқ. Чунки банклар иқтисодиётда молиявий агентлар сифатида молиявий ресурсларни халқ хўжалигининг илғор тармоқларига, юқори даромадли, янги техника, технологияларга асосланган соҳаларга йўналтиради. Бундан ташқари самарали тизимни жорий қилиб, пул айланишини тезлаштиради. Бу билан иқтисодий ривожланиш учун замин яратади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар бир давлат иқтисодиётининг тараққий этиши аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи қай даражадалигига боғлиқ. Банк ўз фаолиятида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб этиб, уларни мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларини ривожлантиришга йўналтираркан, бу маблағлар бут сақланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

Акциядорлик-тижорат «Турон» банки жамоаси ҳам мамлакатимиз халқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга ўз тизимини бозор муносабатлари талаблари асосида шакллантиришга ҳаракат қилаётир. Натижада кейинги йилларда банкнинг вилоят ҳамда туман филиалларида кўплаб тадбиркорлик субъектларига, оддий фуқароларга сервис ва замонавий банк хизмати кўрсатиш тамойиллари такомиллашди.

Банкнинг йирик бўлимларидан бири ҳисобланмиш Навоий вилоят филиали жамоаси ҳам кейинги вақтларда ўзининг капитал маблағлари базасини анча кенгайтириб, асосий эътиборни корхона ва аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш ҳисобига иқтисодиётнинг аниқ тармоқларини кредитлашни рағбатлантиришга қаратмоқда. Кейинги йилларда банкда «Имконият», «Нуроний», «Орзу», «18 ёшгача», «Бинафша», «Ўқувчи», «Ҳамкорлик», «Кафолат» омонат турлари йўлга қўйилди.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга асосан ўз фаолиятини бошлаган, банк мижозлари сони ҳозирги кунда 1112 тага етди. Банк асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли корхона ва ташкилотларга, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга хизмат кўрсатади.

Бугунги кунда мижозлар манфаатини кўзлаб, уларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида АТ «Турон» банки Навоий филиалининг 4 та минибанки ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу эса хизмат кўрсатишни ривожлантириш билан бирга қўшимча мижозлар жалб қилиш орқали, банк даромадини ошириш учун имкон яратади.

2006 йилнинг 1 январь ҳолатига АТ «Турон» банки Навоий филиалининг 486 та акциядори мавжуд бўлиб, устав капитали 97017,0 минг сўмни ташкил этди. Республикамизда тижорат банклар фаолиятини эркинлаштириш чора-тадбирлари банклар кредит қуйилмалари ҳажмининг ошишига олиб келди. 2005 йил давомида филиал томонидан кичик бизнес, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашда анчагина ишлар амалга оширилди. 2006 йил 1 январь ҳолатига жами кредит қуйилмалари 1.112.757,0 минг сўмни ташкил этди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, кредит ажратишда асосий эътибор ўрта ва узоқ муддатли кредитлар салмоғини кўпайтиришга қаратилган. Бу билан тадбиркорларнинг узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имконияти яратилади ва банкнинг барқарор мижозлари сони ортишига сазовор бўлинади.

Пул-кредит сиёсатини ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам ижобий фикрлар айтса арзийди. Филиал жамоаси иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири — кредит тизимини янада такомиллаштириб, мижоз мақсадлари билан ўз мақсадларини муштарак ҳолда олиб боришга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, банк ўз фойдасини маҳсулотлар реализациясига кўра шакллантиради. Ҳисоб-касса хизмати, кредит ажратиш ва унга кафолат бериш банк маҳсулотларидир. Бошқариш таъсирчанлиги ва унумдорлиги бевосита банк ресурсларидан фойдаланиш натижаларига таянган ҳолда аниқланади. Бошқариш жараёнида актив ва пассивлар айланмалари уйғунлашуви, омонат ва маблағларни жойлаштириш турлари ўртасидаги нисбатнинг тўғрилиги катта даромад олишда муҳим аҳамиятга эга.

Филиал томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотлар бўйича иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш юзасидан юқори ликвидли гаров асосида иш ҳақи учун қисқа муддатли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Филиалда пластик карточкалар орқали хўжалик юритувчи субъектларга иш ҳақи тўлашни амалга оширишни йўлга қўйиш, савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали тўловларни амалга ошириш, пенсия ва бошқа тўловларни кечиктирмай белгиланган тартибда пластик карточкаларга ўтказиш, нақд пулсиз коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мақсадида шу кунгача кўплаб шахслар билан шартномалар тузилган.

Филиал томонидан «Навоий буюм бозори» МЧЖга бозор қурилиши учун 150,0 млн. сўм кредит ажратилди. Ушбу буюм бозори 2006 йил Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши режалаштирилган.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. 2005 йил пахта ҳосили учун 165,4 млн. сўм, ғалла ҳосили учун 9,3 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Ҳозирги кунда банкнинг 7 та жамғарма кассаси бўлиб, ушбу кассаларда барча коммунал тўловлар қабул қилинмоқда.

Банкда халқаро пул ўтказишнинг энг қулай ва тезкор усулларидан «Western Union», «Быстрая почта» ва «Travelex» пул жўнатмалари мавжуд бўлиб, вилоят аҳолиси ушбу хизматлардан тўлиқ фойдаланмоқда.

Филиал жамоаси мижозлар билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш, бизнес режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш масаласида уларга зарур маслаҳат хизматлари кўрсатмоқда. Минибанклар очиш билан банк хизматини бевосита қишлоққа олиб кириш, семинар-кенгашлар ўтказиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш тадбирларини давом эттирмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# ХАЛҚАРО ЧОЙ КЕНГАШИ ТУЗИЛСА...

Ҳиндистон Чой кенгаши Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ташкилоти (SAARC) таркибига кирувчи мамлакатларни нафақат минтақада, балки унинг ташқарисида ҳам чой савдоси масалаларини мувофиқлаштириб турадиган ягона Чой кенгашини таъсис этишга чақирди. Агар ушбу кенгаш тузилса, у жаҳон бўйича чой экспортининг 60 фоизини таъминлаб турган мамлакатларни бирлаштириб, халқаро чой бозорига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказиши мумкин.

Ҳиндистон Жанубий Осиё учун ягона Чой кенгашини таъсис этиш орқали минтақада мавжуд чой импорти бўйича божлар енгиллаштирилишига умид қилмоқда.

**Садриддин СУЯРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**
*Деҳли*

**Жиноятга жазо муқаррар**

# ОГОҲЛИК ВА ЭЪТИБОР БОР ЖОЙДА

## ТАРТИБ ҲАМ, ТАРАҚҚИЁТ ҲАМ БЎЛАДИ

Шундай кишилар борки, ахлоқий қоидаларга бўйсунмай, қонунларга нописанд қараб, ўзига бино қўйиб юради. Бошқалардан «зўр»лигини кўрсатиш мақсадида жамоат тартиби ва одамларнинг осойишталигини бузади. Бундай кишиларни биз безорилар, деб атаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-109-моддаларида кўрсатилган жиноятлар (қасддан badанга тан жароҳати етказиш) таркиб жиҳатдан безорилик жиноятига жуда яқин. Яъни, ҳар иккаласида ҳам жабрланувчига тан жароҳат етказиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келади. Аммо, айбланувчи жабрланувчига ҳеч бир сабабсиз тан жароҳати етказса, тан жароҳати етказилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддасига (безорилик) тегишли қисми билан жавобгарликка тортиш масаласи муҳокама қилинмоғи лозим. Шу боисдан безорилик жиноятини малакалаш анча мураккаб.

Айбдорнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатини безорилик жинояти деб топиш учун мазкур хатти-ҳаракат билан жамоат тартиби бузилиши ўртасида сабабли боғланиш бўлиши шартлигига судьялар алоҳида эътибор қаратиши жоиз. Агар оилада, уйда, кўчада оиласидагиларни, яқин қариндошларини ёки таниш-билишларини урса, баданига шикаст етказса, бу ҳаракатлар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиқса, шахсга қарши қаратилган жиноят деб баҳоланмоғи лозим. Безорилик эса жамоат хавфсизлиги ва тартибига қарши қаратилган жиноятдир.

Энди иккита безорилик жиноятининг келиб чиқиш сабаблари ва тафсилотлари ҳақида бироз тўхталсак. Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳарчаси, «Ўзбек олтини» маҳалласида яшовчи 1959 йилда туғилган Раҳматилла Носиров вояга етмаган фарзандига яхши фазилатлари билан ибрат бўлиш ўрнига, спиртли ичимлик ичишга «кўнгил қўйди». Бир куни кўчада қаршисидан келаётган Ш.Конкилов ва А.Аҳмедовларни ҳеч бир сабабсиз тўхтатиб, жиғларига тега бошлайди. А.Аҳмедовга «нега кечаси кўзойнак тақиб юрибсан?» дейди. Анвар унга кўзи ожизлигини айтганида «ҳали сен менга гап қайтарадиган бўлдингми?» деб уни калтаклаб, ерга думалатади. Кейин тепкилайди. Бу ҳам етмагандай атрофда ётган темир билан уриб, тан жароҳати етказади.

Ушбу безорилик жинояти фуқаролар йиғинининг биносида очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Негаки, жиноятга мойил шахслар ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслигини англаб етишлари керак. Қолаверса, тегишли чора-тадбирлар белгилаш лозимлиги ҳақида суд судланувчи яшайдиган маҳалла оқсоқоли номига хусусий ажрим чиқарди.

Ғаллаорол шаҳри, Дўстлик кўчаси, 40-уйда истиқомат қилувчи 1977 йилда туғилган Арслон Муродов мард киши мушти билан эмас, балки қилган эзгу ишлари, ақлу билими эвазига халққа танилиши мумкинлигини эсдан чиқариб қўйган, шекилли. Унинг билагидаги кучи бегуноҳ инсонларга зарар етказиш учун эмас, фойдали ишга сарфланганда эди, бугун оиласи тинч, рўзғори бут, турмуши бахтли кечарди ва исми жисмига монанд бўлар эди. Афсуски, «шайтон суви» уни ҳам қулга айлантирди. Аввал ичиб, жанжал кўтараверганидан безор бўлган хотини кетиб қолди. Лекин ундан кейин ҳам Арслоннинг шиша олдидаги қуллиги давом этаверди.

2005 йил 31 октябрь куни соат тахминан 21.00ларда шишанинг қули Ғаллаорол шаҳрининг Қурувчилар кўчаси билан Мустақиллик кўчаси кесишган жойда такси кутиб турган Шавкат Жиянбоев ва Шерзод Эшмановлар олдига келиб «нега менга ҳуштак чаласанлар?», дея жанжал кўтаради. Шерзод «ҳуштакни сенга эмас, таксига чалдик» дейди. Шавкат тасдиқлайди. Ана шу пайт Арслон ўзини ҳақиқатан арслон ҳис қилиб, «сен нега аралашасан?», дея қўлидаги пичоқ билан Шавкат Жиянбоевга ташланади. Шавкатнинг қулоқ супраси жимжилоқ қисми ва бўйнининг ўнг тарафи кесилиб кетади.

Бу воқеадан хабар топган туман ИИБ профилактика инспектори Улуғбек Норматов безорининг уйига боради. Уларни кўрган жиноятчи кичкина ўғли Озодбекнинг бўйнига пичоқ тираб туриб, «агар яқинлашсанглар ўзимни ҳам, ўғлимни ҳам сўяман», деб ўзининг қорнига пичоқ тортиб жароҳатлайди. Вазият жиддийлигини тушунган инспектор «сизга ҳеч ким тегинмайди, тинчланинг», деб уни бошқалар ва ўзининг ҳаётига хавф туғдирмайдиган ҳолатда қўлга олиш режасини тузди. Улуғбек Арслоннинг ухлашини кутади ва гўдакка шикаст етказмаган ҳолда жиноятчини қўлга олади.

Мана, ичкиликка ружу қўйиш инсонни қандай тубан ҳолга келтиради. Энди савол туғилади: юқорида биз ҳикоя қилган ҳолатлар бўлмаслиги мумкинмиди? Албатта, мумкин эди. Халқ маҳалламизни тинч, осойишта, турмушимизни фаровон қилади, қийналганимизда таянч бўлади, деган умид ва ишонч билан маҳалла оқсоқолини сайлайди. Агар маҳалла оқсоқоллари ишчан, журъатли, тадбиркор, ташкилотчи бўлса, шу маҳаллада жиноят содир этилишига ўрин қолмайди.

Хулоса қилиб айтганимизда, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва барча маъмурий органлар ичкиликнинг даҳшатли оқибатлари, жиноятчига жазо муқаррарлиги, энг юксак обрў-эътиборга тинимсиз меҳнат қилиб, фақат ўқиб-ўрганиб эришиш мумкинлиги ҳақида кенг халқ оммасига тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борсалар, юқоридаги каби жиноятларнинг бемалол олдини олиш мумкин. Огоҳлик ва эътибор бор жойда тартиб ҳам, тараққиёт ҳам бўлади.

**Зиёдулла РАЖАБОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол тумани суди раиси**

**«Қашқадарёгўштсутсавдо» очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши 2006 йил 29 март соат 11.00 да жамият мажлислар залида (Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 4-уй) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.**

**ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:**

*1. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 99-моддасига биноан «Қашқадарёгўштсутсавдо» очиқ акциядорлик жамияти фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиш ҳисобига янги жамият тузиш тўғрисида.*

*Навбатдан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2006 йил 23 февраль ҳолатига тузилган.*

*Кун тартибидаги масалалар билан акциядорлар Кузатув кенгашида ёки 8-375-227-01-44 телефони орқали танишишлари мумкин.*

